

---

## ҲОКИМ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Марғилон шаҳар Ихтисослаштирилган мактабида шаҳардаги умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфида таълим олаётган ўқувчилар ўртасида табиий фанлар(Science) ва инглиз тили фанларидан "Ҳоким олимпиадаси" ўтказилди.

Олимпиаданинг якуний тақдирлаш маросимида шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов, ғолиб ўқувчиларнинг мактаб директорлари, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этишди.

Олимпиада якунида: 1-ўринни шаҳардаги 1-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулжаҳон Алишеров, 2-ўринни 8-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Сарвинозхон Солиева, 3-ўринни эса 18-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси Бехрузбек Мирзаалимовлар қўлга киритишди.

Ғолибларга шаҳар ҳокимлигининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

2024-04-16 15:48:28